

## Элликбошилар билан йиғилиш ўтказилди



12:53 / 23.04.2025 1551

Ҳар йили юртимиздан минглаб ҳожилар Ислоннинг бешинчи рукни – ҳаж амалларини бажариш учун муқаддас заминларга ташриф буюрадилар.

Бу йил ҳам Зулқаъда ойида кўплаб юртдошларимиз ҳаж сафарига отланадилар. Уларга ҳажнинг йўл-йўриқларини кўрсатадиган малакали гуруҳ раҳбарлари тайинланади.

Бугун, 23 апрель кунин Тошкент вилояти бош имом-хатиби Дониёр домла Икромов бу йил ҳажга борадиган элликбошилар билан йиғилиш ўтказди.

Мажлисида гуруҳ раҳбарлари ҳаж мавсумида эътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатлар, ҳожилар билан ишлаш, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, бўлажак ҳожиларга эҳром боғлашни ўргатиш, ҳаж арконлари, шартлари, фарзлари, вожиблари, суннатлари, ҳажда ман этилган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда Тошкент вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Обиджон домла Мирҳамидов ҳам қатнашди.

Йиғилиш сўнгида бу йилги ҳаж кўтаринки руҳда ўтишини сўраб дуолар қилинди.

***Тошкент вилояти вакиллиги матбуот хизмати***